



САНЪАТ, САХНА МАДАНИЯТИ.

Abdurashidov Otabek Ulug'bek o'g'li

Davlat xizmatchisi

Аннотация: *ушбу мақолада маданият ҳақида тушунча, Бошловчининг овози, нутқи, унинг ташқи кўриниши ва юриш-туриши, сахнада гапирётган инсонинг вазияти қулай ва табиий бўлиши, сахнадаги бошловчининг юзи сохталикдан ҳоли ва умумий вазифа бўлган ижод ғоясига бўйсундирилган бўлиши ва бошқалар тўғрисида ёзилган.*

Калит сўзлар: *сахна, маданният, нутқ, қувонч, кулгу, кўз ёш, хиссиёт, эътибор, ташқи кўриниш.*

Маданият — жамият, инсон ижодий куч ва қобилиятлари тарихий тараққиётининг муайян даражаси. Кишилар ҳаёти ва фаолиятининг турли кўринишларида, шунингдек, улар яратадиган моддий ва маънавий бойликларда ифодаланади. «Маданият» тушунчаси муайян тарихий давр (антик Маданият), конкрет жамият, элат ва миллат (ўзбек Маданияти), шунингдек, инсон фаолияти ёки турмушининг ўзига хос соҳалари (масалан меҳнат маданияти, бадий маданият, турмуш маданияти)ни изохлаш учун қўлланилади. Тор маънода «Маданият» атамаси кишиларнинг фақат маънавий ҳаёти соҳасига нисбатан ишлатилади.

«Маданият» арабча мадина (шаҳар) сўзидан келиб чиққан. Араблар кишилар ҳаётини икки турга: бирини бадавий ёки саҳройи турмуш; иккинчисини маданий турмуш деб атаганлар. Бадавийлик — кўчманчи ҳолда дашту саҳроларда яшовчи халқларга, маданийлик — шаҳарда ўтроқ ҳолда яшаб, ўзига хос турмуш тарзига эга бўлган халқларга нисбатан ишлатилган.


Актёр ўз ишлари бўйича мактаб яратган Делсартнинг таъбирича, тана-чолғу, актёр-чолғучи ҳисобланади. Саҳнада қўл, оёқ, тана, юз ҳаракатининг барчаси томошабиннинг кузатувида бўлади. Баъзан саҳнага чиққан шахсниинг муваффақиятсиз чиқиши, уни ва зални бирлаштириб турган эътибори риштасини узиб юборади. Ҳаётда кўп ҳам билинмайдиган камчиликлар саҳнада дарҳол сезилади ва томошабиннинг ғашига тегади. Бу тушунарли, негаки саҳнада инсон ҳаёти чекланган майдонда намоиш этилади. Бошловчининг овози, нутқи, унинг ташқи кўриниши ва юриш-туриши, саҳнага чиқишининг ўзиёқ унга муваффақият келтириши мумкин, ёки аксинча ҳолатлар ҳам рўй беради. К. С. Станиславский шундай ёзган эди: “Актёр саҳнада ўзини яхши ҳис қилиши, лекин ўзининг ҳис-туйғуларини ифодалашда танасининг нотўғри ҳаракати билан бутун кўринишини бузиб ташлаши мумкин. Матни томошабинларга ёки эшитувчиларга етказиб бера олмайдиган актёрни Станиславский “Тушунарсиз ғулдираб ўз маъшуқасига севги изҳор қилаётган”





соқовга ўхшатади. Ижрочининг танасига бўлган асосий талаблар қуйидагилар: Саҳнада гапираётган инсонинг вазияти қулай ва табиий бўлиши лозим, у икки оёқда маҳкам ва қулай тура олиши керак, бу тананинг мустаҳкамлиги, тана оғирлигини бутун мушак ва суякларга тенг тақсимланишини таъминлайди. Елкалар умуртқаларга нисбатан тўғри ҳолатда бўлиши керак. Бу яхши нафас олишга ва кўкрак титрагичидан фойдаланишга имкон беради. Бошни эгиб туриш ёки орқага ташлаш мумкин эмас, уни эркин ушлаб, бўйинни сиқмай туриш керак-бу томоқ ва кекирдакнинг эркинлигини, табиийлигини таъминлайди. Уларнинг ҳолати овозни тўлақонли жаранглашига хизмат қилсин.

Саҳнадаги бошловчининг юзи сохталикдан ҳоли ва умумий вазифа бўлган ижод ғоясига бўйсундирилган бўлиши зарур. Машғулот жараёнида табассум, ўзи бажараётган ишдан хурсандчилик, мамнунлик омили кўриниши шарт. “Қувонч ҳисси, кўз кулгуси сифатида намоён бўлганидек, юздаги кулгу ҳам санъаткорда кўтаринкилик, ижод қувончи ҳиссини намоён этади”. Қўллар эркин бўлиши орқага ёки кўкракка боғланмаган, ёнларга эркин туширилган бўлиши лозим. Бундай ҳолатда ҳар қандай вазиятда эркин, зарурий ишорани бажариш мумкин бўлади. Баъзи бошловчиларнинг саҳнага ниҳоятда жиддий норози қиёфада чиқиш одати бор. Томошабинлар олдида тушкун, норози ёки кеккайган қиёфада чиқиш уларнинг кайфиятига салбий таъсир этиши мумкин. Баъзида омма олдида чиқаётган бошловчини ҳаяжон босади. Ўзини қўлга ола билмаган бошловчи матнларни тез унутади. Саҳнага чиқиш олдидан ҳаяжонни босиш учун қуйидагилар бажарилса мақсадга мувофиқ бўлади. Омма олдида чиқибоқ гапира бошлаш мумкин эмас, ўзининг ва томошабинларнинг эътиборини жамлаб олиши учун бир неча сония туриши лозим бўлади. Бу пайтда 2–3 мартда бурун билан чуқур нафас олиш зарур. Ўпка, томоқ мушакларини таранглик ҳолатидан халос қилинади, яна нафас олинади. Саҳнага чиққандан сўнг ва ижодий жараён олдидаги бу оралик томошабинлар эътиборини жамлашга ҳам ёрдам беради. Саҳнага чиқишдан олдин бошловчи қўлидаги матнни яна бир бор кўздан кечириб, техник воситаларни ҳам кўздан кечириб қўйиши фойдадан ҳоли бўлмайди. Бу фикрлар талаба-актёрнинг саҳна маданиятини ривожлантиришига хизмат қилади. Бошловчи ким бўлишидан қатъий назар саҳнада ўзининг юқори маданиятини кўрсатгандагина унинг санъати қадрланади. Узоқ йиллар давомида катта саҳналарда ижод қилаётган, ўзини саҳнада тутиши билан миллионларга ўрناк бўлган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ўткир Сиддиқов мисолида ҳам юқоридаги саволларга жавоб топиш мумкин. Санъаткорнинг ўзбек санъатига кириб келиши барча томошабинларга илиқ баҳор каби ёқимли ва хуш келди. Шу вақтгача унинг ҳар бир саҳнага чиқишини томошабинлар интиқлик билан кутишади. Биз санъаткор билан суҳбатлашган вақтимизда: унинг “Мен ҳамisha концерт руҳига мос тайёрланаман. Яъни маълум ижодий гуруҳ билан саҳнага чиқишдан олдин ўша гуруҳ ёки санъаткорнинг услуги, ижоди билан атрофлича танишаман.





Концертга тайёрлигимни ҳис қилганимдагина сахнага чиқаман. Хонанда дастурга киритган кўшиқни айтиб, сахнани тарк этаверади. Аммо бошловчи кечани бошидан охиригача жавобгардир. Чунки контсертнинг мувафақияти бошловчининг маҳоратига боғлиқ”- деган сўзларидан саволимизнинг бир қисмига жавоб топгандек бўлдик. Бунда ўша кечанинг руҳиятига мос кийим танлаш, сахна ҳатти-ҳаракатларига алоҳида эътибор бериш, хуллас ташқи қиёфадан тортиб, ички маданиятгача концертнинг мувафақиятига сабаб бўлади. Зеро, бошловчи санъаткор миллат номидан сахнага чиқади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Юсупов, Ш. Т. Саҳна маданияти ва масъулияти / Ш. Т. Юсупов. — 2019. — № 21 (259). — С. 618-621. — URL:
2. Karimov I. A., O'zbekiston: milliy istiklol, iqtisod, siyosat, mafkura, 1-j., T., 1996; Ma'naviy yuksalish yo'lida, T.,1998
3. Xayrullayev M. M., Shorahmedov D.A., Madaniyat va meros. T., 1973.
4. Лутфулло Маҳмуд. Ўткир Сиддиқов. -Т., Гофур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.
5. Станиславкий К. С. Работа актёра над собой часть-2. -М., Искусство, 2007.
6. <https://moluch.ru/archive/259/59582/>

